

Ҳиндистонда Қуръон ва ҳадис халқаро танлови бўлиб ўтади



11:40 / 28.11.2018 1907

“Ал-Мустафо” номи билан ташкил этилаётган халқаро Қуръони карим ва ҳадис танловининг дастлабки босқичига иштирокчиларни рўйхатга олиш давом этмоқда, деб хабар беради IQNA.

Жараён бугун ниҳоясига етади. Маълум бўлишича, шу кунга қадар 400 киши рўйхатдан ўтган.

Ҳиндистонда 70 та Дорул Қуръон ва Қуръони карим марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу сабабдан ҳам танловда 1000 ортиқ иштирокчи қатнашиши кутилмоқда. Хабарларга қарганда, танлов 11 та мактаб ва Қуръони карим марказларида ўтказилади.

Ўтган йили дастлабки босқичда 1581 киши рўйхатдан ўтган эди. Бу йилги танловнинг якуний босқичи келаси 2019 йилнинг 9-10 январ кунлари бўлиб ўтади.

Islom.uz портали таҳририяти